

## ШАРТНОМА №103 Т

Конимех тумани

«16» сентябр 2022 йил

Конимех туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан Устав асосида иш юритувчи директор У.Рахматов иштирокида бир томондан «Буюртмачи» деб юритилади ва иккинчи томондан ШАРК ЖИЛО МЕЪМОРИ МЧЖ «Бажарувчи» деб юритилади. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисида»ги 2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ-684 сонли қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги № ПҚ-3953- сонли «Давлат харидлари тўғрисидаги қарори, ЎзРТХБнинг etender.uzex.uz ахборот порталига жойлаштирилган Лот № 146387-сонли эълони ва Конимех ТЙФУК танлов комиссиясининг электрон овоз бериш йўли билан ўтказилган танловга асосан ушбу шартномани туздилар.

### 1. Умумий қондалар.

1.1. Бажарувчи ўз ҳисобидаги техника воситаларини ишлашини кафолатлагандан кейин ундан фойдаланиш даврида фойдаланишга киритиш. (бундан-буён ишлар бажариш деб юритилади) амалга ошириш мажбуриятини олади. Буюртмачи бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва лозим бўлган ҳақни тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Рад этиш ёки бузилишдан келиб чиққан, техника носозликларини бартараф этиш билан боғлиқ ишлар, Буюртмачининг талабномаси (хати, телеграммаси, телефонограммалари) асосида бажарувчи томонидан амалга оширилади.

1.3. Буюртмачи техниканинг ишчи ҳолати бўйича китоб юритади ва уни бажарувчига бажарилган ишлар тўғрисида ёзувларни киритиш учун тақдим қилади. Китобдаги ёзувлар ишларнинг сифатсиз бажарилганлиги ёки бажарилмаганлиги тўғрисида далолатнома тузаётганда ҳисобга олинади.

1.4. Томонлар шартнома тузаётганда ишларни бажаришнинг махсус томонлари ва томонларнинг ўзаро муносабатларининг хусусиятларини ақс эттирувчи қўшимча шартларни келишишлари мумкин.

1.5. Шартномани тузиш учун асос бўлиб Бажарувчининг ўз ҳисобидаги авторанспортларни Буюртмачига ишлаб чиқариш зарурияти мавжуд бўлган ҳолатларда бериши бўлиб ҳисобланади.

### 2. Бажарувчининг мажбурияти ва ҳуқуқлари.

2.1. Бажарувчи белгиланган ишларни муддатида бажаришга, шунингдек, Буюртмачининг талабномаси бўйича техникаларни соз ҳолда тақдим этади.

2.2. Бажарувчи томонидадан техника воситаси хизматини амалга оширишда ҳар қандай ЙТХ содир бўлганда барча моддий ва маънавий зарарларни ўз ҳисобидан қоплаш мажбуриятини олади. Бажарувчи ҳайдовчиларни техника хавфсизлиги, йўл ҳаракати қондаларига риоя қилинишини таъминлаш мажбуриятини олади.

2.3. Ҳайдовчини ойлик иш ҳақини бериб бориш, техникаларга ёкилги мойлаш материаллари билан иш давомида узлуксиз таъминлашни ўз зиммасига олади.

2.4. Бажарувчи ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 8-санасидан кечиктирмаган ҳолда ҳисоб-варақ фактураларни топшириш мажбуриятини олади. Кечиктирилган ҳисоб-варақ фактуралар кейинги ойга қолдирилади.

2.5. Бундан ташқари Бажарувчи шартноманинг 1.4. бандига мувофиқ ишларни муддатида бажариш мақсадида техникани ишлаш жойида таъмирлаш ишларини бажаради.

2.6. Буюртмачи томонидан тегишли жойида техникани, ишлаб чиқариш жойида ишларни бажаришнинг бошида ёки жараёнида Бажарувчи техникадан фойдаланиш ҳужжатлари, техника хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлиги қондаларининг талаблари таъминланмаган ҳолларда, Бажарувчи Буюртмачи билан келишиб ишларни бажариш муддатини бошқа вақтга ўтказишга ва Бажарувчидан шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли Буюртмачи ундан жарима, пеня ҳамда етказилган зарарни ундиришга ҳақли.

### **3. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

3.1. Буюртмачи куйидагиларга мажбур.

а) Тегиншли техникани ишлаш жойини белгилашни амалга ошириш билан таъминлаш, Бажарувчини фойдаланиш ҳужжатлари техника хавфсизлиги ва ёнги хавфсизлиги талабларини таъминлаш.

б) Бажарувчининг талабномаси бўйича унинг мутахассислари учун ишларни бажариш вақтига иш жойларини бериш.

3.2. Бажарувчи томонидан ишлар бажарилмаган ёки сифатсиз ишлар бўлган тақдирда бу тўғрисида Буюртмачи унга зарурий чораларни кўриш учун камчилик аниқлангандан кейин - 2(икки) кунлик муддатда хабар беради ва Бажарувчи 2 кун ичида камчиликларни тўлик бартараф этиши шарт.

3.3. Буюртмачи лозим бўлганда Бажарувчи техникаларини иш билан таъминлаш имконияти бўлмаган тақдирда, олдиндан 3 кунлик муддат ичида ёзма хабар беришни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи юк ташиш ҳужжат (ТН)ларни ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасигача Бажарувчига топшириш мажбуриятини олади.

### **4. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоблар тартиби.**

4.1. Техникани ишлаб чиқариш зарурати туфайли фойдаланишга киритиш ҳамда Бажарувчи томонидан бажарилган ишларга буюртмачи томонидан ўзаро ҳисоб-китобларга асосан пул кўчириш йўли билан ҳақ тўлайди.

4.2. Ишларни бажарганлик ҳақ тўлаш талаб этилган ҳужжатларни тақдим этгандан сўнг амалга оширилади.

4.3. Техникаларга Бажарувчи томонидан ўз вақтида ёкилиги маҳсулоти етказиб берилмаганда Буюртмачи томонидан ажратилган ёкилиги маҳсулоти таъминоти ва томонлар томонидан сарфланган ходимларни овқатлантириш харажатлари бўйича алоҳида ҳисоб-китоб юритилиб, ўзаро келишув ёки шартномада кўрсатилган суммадан белгиланган тартибда сақланиб қолинади.

4.4. Автотранспортнинг юк ташишида ташилган ҳар 1 тн/км ва машина-механизмлар учун бажарилган ишлар далоатномасига (Счёт фактурага) асосан ҳақ тўланади.

4.5. Шартноманинг умумий суммаси 64 000 000 ( олтиш тўрт миллион ) сўмдан иборат.

4.6. Шартнома имзолангандан сўнг «Буюртмачи» «Бажарувчининг» ҳисоб рақамига олдиндан 15 % пул ўтказиши керак.

### **5. Томонларнинг жавобгарлиги.**

5.1. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганда амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарлик ўтайдилар.

5.2. Буюртмачи ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 15% дан ошмаслиги лозим.

5.3. Бажарувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлиги учун буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 15% дан ошмаслиги керак.

а) Буюртмачи томонидан топилган нуқсон ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун Бажарувчи буюртмачига лозим даражада бажарилмаган ишлар. Хизматлар қийматининг 15% миқдорида жарима тўлайди, ҳамда жарима Бажарувчидан акцентсиз ундириб қолинади.

б) Шартнома бўйича томонларнинг ишларни лозим даражада бажармаганлиги ёки тўловни ўз вақтида амалга оширмаслиги оқибатида пеня ҳамда жарималарни тўлаши уларни шартнома мажбуриятдан озод қилмайди.

в) Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Навоий вилояти Иқтисодиёт суди ёки Навоий вилояти Ҳакамлик суди томонидан ҳал қилинади.

## 6. Шартномани узайтириш ёки бекор қилиш шартлари.

6.1. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳолларида, шартнома мажбуриятлари тугаган вақтда амалга оширилган амалдаги сарфлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб амалга оширилади.

6.2. Шартнома бир томонлама тартибда қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

- а) Бажарувчи бажарилган ишлар баҳосини оширган ҳолда, фақат буюртмачи томонидан;
- б) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан.

## 7. Яқиний қондалар.

7.1. Ушбу шартномага барча қўшимча, ўзгартишлар, фақат агар улар ёзма шаклга эга бўлса ва ҳар икки томондан имзоланган бўлсагина ҳақиқий ҳисобланади.

7.2. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга кириб 2022 йил 31 декабргача кучга эга.

7.3. Агар томонларнинг юридик манзил ёки хизмат кўрсатувчи банки ўзгарса бу тўғрисида 3 кунлик муддатда бир-бирларига ёзма равишда хабар беришга мажбур.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ.

«Бажарувчи»

«Буюртмачи»

### ШАРҚ ЖИЛО МЕЪМОРИ МЧЖ

Навой вилояти Навой ш.  
М.Таробий 111/1  
АИТБ «Ипак йули банк» Навой филиали  
Ҳ/р: 2020 8000 4046 6786 6001  
МФО: 00199  
ИНН: 300 646 549  
Тел: +998 99 318 8000

### Конимех ТЙФУК

Навой вилояти Конимех тумани  
Нурафшон кўчаси 46-уй  
АИТБ «Хамкорбанк банк» Навой  
ф/л  
Ҳ/р: 470010860122117045193118001  
МФО: 01064 ИНН: 200 013 904  
ОКЭД: 42110  
Тел: +99879 512 14 43



Директор:

 Ш.Абдуллаев




Директор:

 У.Рахматов

Хулоса: Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар Кодексининг 29-боб (437-456 моддалари), Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» қонунга (шартлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги бўйича) риоя қилган ҳолда расмийлаштирилган.

Юридик бўлим:

 Цоғуллаев.